«MA'QULLANGAN»
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi Farmatsevtika tarmog'ini rivojlantirish agentligining «Dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi va standartlashtirish davlat markazi» DUK
«28» 10 2022 y. № 23

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
ПОЛИСОРБ МП
POLISORB MP

Препаратнинг савдо номи: Полисорб МП
Таъсир этувчи модда (ХПН): коллоид кремний диоксиди
Дори шакли: ичга қабул қилиш учун суспензия тайёрлаш учун кукун
Таркиби:
Препаратнинг бир грамми қуйидагиларни сақлайди:
фаол модда: коллоид кремний диоксиди - 1,0 г.
Таърифи: Енгил, оқ ёки мовий тусли оқ рангли, ҳидсиз кукун. Сув билан аралаштириб, чайқатилганда суспензияни ҳосил қилади.
Фармакотерапевтик гуруҳи: энтеросорбент восита.
АТХ коди: A07B

Фармакологик хусусиятлари
Полисорб МП (медицинский пероральный) - кимёвий формуласи SiO_2 бўлган, заррачаларининг ўлчами 0,09 мм гача юқори дисперсияли кремнезем асосида олинган, анорганик, носелектив, полифункционал энтеросорбентидир. Препарат юзасининг нисбий майдони 300 $м^2$/г. Ичга қабул қилинганда препаратнинг адсорбция ҳажми 220 мг/г дан кам эмас.
Фармакодинамикаси
Полисорб МП яққол сорбцион ва детоксикацион хусусиятларига эга. Меъда-ичак йўлларида препарат турли табиатга эга бўлган эндоген ва экзоген токсик моддаларни, шу жумладан патоген бактериялар ва бактериал токсинлар, антигенлар, овқат аллергенлари, дори препаратлари ва заҳарлар, оғир металл тузлари, радионуклидлар, алкоголни боғлаб олади ва организмдан чиқаради. Полисорб МП шунингдек организмнинг модда алмашувини айрим маҳсулотларини, шу жумладан билирубин, сийдикчил, холестерин ва липид комплексларини, ҳамда эндоген токсикозни ривожланишига масъул бўлган метаболитларни ҳам сорбциялайди.
Фармакокинетикаси
Полисорб МП меъда-ичак йўлларида парчаланмайди ва сўрилмайди ва ўзгармаган ҳолда чиқарилади.

Қўлланилиши
- Катталар ва болаларда келиб чиқиши турлича бўлган ўткир ва сурункали интоксикациялар;
- Ҳар қандай генезли ўткир ичак инфекциялари, шу жумладан овқат токсикоинфекциялари, шунингдек ноинфекцион келиб чиқишга эга диарея синдроми, дисбактериоз (комплекс даволаш таркибида);
- Яққол интоксикация билан кечувчи йирингли-септик касалликлар;
- Кучли таъсир этувчи ва заҳарли моддалар билан, шу жумладан дори препаратлари ва алкоголь билан, алколоидлар, оғир металл тузлари ва бошқалар билан ўткир заҳарланишлар;
- Овқат ва дори таъсиридаги аллергиялар;
- Гипербилирубинемия (вирусли гепатитлар ва бошқа сариқ касалликлар) ва гипоазотемия (сурункали буйрак етишмовчилиги);

– Экологик нохуш ҳудудларда яшовчиларда ва зарарли моддаларни ишлаб чиқариш корхоналари хизматчиларида профилактик мақсадларда қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Полисорб МП ичга, фақат сувли суспензия кўринишида қабул қилинади!

Суспензияни тайёрлаш учун препаратнинг керакли миқдорини 1/4-1/2 стакан сувда яхшилаб аралаштирилади. Препаратни ҳар гал қабул қилишдан олдин янги суспензияни тайёрлаш ва уни овқат ва бошқа дори воситаларини қабул қилишдан 1 соат олдин ичиш тавсия этилади.

Катталарда ўртача суткалик доза 1 кг тана вазнига 0,1-0,2 г (6-12 г) ни ташкил этади.

Препарат сутка давомида 3-4 марта қабул қилинади.

Катталарда максимал суткалик доза 1 кг тана вазнига 0,33 г (20 г) ни ташкил этади.

Болалар учун доза тана вазнига қараб ҳисобланади (жадвалга қаранг).

Полисорб МП препаратини тавсия этиладиган дозаларининг жадвали:

Пациентнинг тана вазни	Дозаси	Сувнинг ҳажми
10 кг гача	Суткада 0,5-1,5 чой қошиқ	30-50 мл
11-20 кг	1 марта қабул қилиш учун “тўла бўлмаган” 1 чой қошиқ	30-50 мл
21-30 кг	1 марта қабул қилиш учун “тўла бўлган” 1 чой қошиқ	50-70 мл
31-40 кг	1 марта қабул қилиш учун “тўла бўлган” 2 чой қошиқ	70-100 мл
41-60 кг	1 марта қабул қилиш учун “тўла бўлган” 1 ош қошиқ	100 мл
60 кг дан ортиқ	1 марта қабул қилиш учун “тўла бўлган” 1-2 ош қошиқ	100-150 мл

1 “тўла” чой қошиқ - 1 грамм препарат сақлайди,

1 тўла ош қошиқ – 2,5-3 грамм препарат сақлайди.

Овқатдан аллергия бўлган ҳолларда препарат бевосита овқат қабул қилишдан олдин қабул қилинади, Полисорб МП препаратининг суткалик дозасини кун давомида уч марта қабул қилишга бўлинади.

Даволаш давомийлиги ташхисга ва касалликнинг оғирлик даражасига боғлиқ, ўткир интоксикацияларда даволаш курси 3-5 кун; аллергик касалликларда, сурункали интоксикацияларда даволаш курси 10-14 кунгача давом этади.

Такрорий курсларни шифокор тавсиясига кўра 2-3 ҳафтадан кейин ўтказиш мумкин.

Ножўя таъсирлари

Кам ҳолларда - аллергик реакциялар, диспепсия, қабзият.

Полисорб МП препаратини узоқ муддат, 14 кундан ортиқроқ қабул қилинганида витаминларни сўрилиши бузилиши мумкин, шу боисдан поливитамин препаратларни профилактика мақсадида қабул қилиш тавсия этилади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

– меъда ва 12 бармоқ ичакнинг зўрайиш босқичидаги яра касаллиги;
– меъда-ичак йўлларидан қон кетиши;
– ичак атонияси;
– препаратни индивидуал ўзлаштира олмасликда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири
Полисорб МП препаратини бошқа дори воситалари билан бир вақтда қўлланганда, охирги воситаларнинг терапевтик самараси пасайиши мумкин.

Махсус кўрсатмалар
1. Овқат токсикоинфекцияси ва ўткир заҳарланишлар.
Даволашни Полисорб МП препаратининг 0,5-1% ли суспензияси билан меъдани ювишдан бошлаш тавсия этилади. Оғир заҳарланишларда биринчи суткаларда меъдани ювишни зонд орқали ҳар 4-6 соатда ўтказилади, шу билан бир қаторда препарат ичга ҳам берилади. Катталар учун бир марталик доза беморнинг тана вазнига нисбатан 0,1-0,15 г/кг ни ташкил этиши мумкин, кунига 2-3 мартадан буюрилади.
2. Ўткир ичак инфекциялари.
Полисорб МП препарати билан даволашни биринчи соатларда ёки суткаларда бошқа даволаш усуллари билан комплекс даволаш таркибида бошлаш тавсия этилади. Биринчи суткаларда суткалик доза 5 соат давомида қабул қилишлар орасида 1 соатлик интервал билан берилади. 2-нчи суткаларда суткалик доза сутка давомида 4 марта қабул қилишга берилади. Даволаш давомийлиги 3-5 кунни ташкил этади.
3. Вирусли гепатитни даволаш.
Вирусли гепатитни комплекс даволашда Полисорб МП касалликнинг биринчи 7-10 кунлари давомида детоксикация қилувчи восита сифатида одатдаги дозаларда қўлланади.
4. Аллергик касалликлар.
Дори ёки овқат генезли (таъсири оқибатидаги) ўткир аллергик реакцияларда аввал Полисорб МП препаратининг 0,5-1% ли суспензияси билан меъдани ва ичакни ювиш тавсия этилади. Сўнгра препаратни одатдаги дозаларда клиник самарага эришилгунча берилади. Сурункали овқат аллергиясида Полисорб МП препарати билан 7-10-15 кундан иборат даволаш курслари тавсия этилади, препарат бевосита овқатдан олдин қабул қилинади. Худди шундай (аналогик) курслар ўткир қайталанувчи эшакемида ва Квинке шишида, эозинофилияда, поллинозлар ва бошқа атопияларнинг зўрайиши фонида қўлланилади.
5. Сурункали буйрак етишмовчилиги.
Полисорб МП препарати билан тана вазнига 0,15-0,2 г/кг суткалик дозада 25-30 кун давомида 2-3 ҳафталик танаффус билан даволаш курслари қўлланилади.
Ҳомиладорликда ва эмизиш даврида қўлланилиши
Полисорб МП препаратини ҳомиладорликда ва эмизиш даврида қўллаш мумкин эмас.
Транспорт воситалари ва механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири
Полисорб МП препаратини транспорт воситалари ёки бошқа потенциал хавфли механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири аниқланмаган.

Дозани ошириб юборилиши
Полисорб МП препаратини тавсия этилган терапевтик дозаларда қўлланганда дозани ошириб юборилиши ҳолатлари аниқланмаган.

Чиқарилиш шакли
Ичга қабул қилиш учун суспензия тайёрлаш учун кукун.
3 г дан термо қаватли этикетка қоғозидан бир марта ишлатиладиган пакетларда. 10 та бир марта ишлатиладиган пакетдан давлат ва рус тилларидаги қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутида. Бир марталик пакетларни гуруҳланган ўрамга жойлашга рухсат берилади, йўриқномалар пакетлар сонига мувофиқ жойланади.
Шунингдек 12/25/50 г дан полистирол ёки полиэтилен ёки полиэтилентерфталат (ПЭТФ) дан, худди шундай материалдан биринчи очиш назоратига эга бўлган қопқоқчалар билан беркитилган банкаларда.

Банкага этикетка ёки ёзув қоғозидан этикетка, ёки қоғоз ёки плёнкадан ўзи ёпишадиган этикетка ёпиштирилади. Банкаларни картон қутига жойланади ёки 3 тадан 20 донагача термо жойлаштирувчи плёнкага ўрамланади, давлат ва рус тилларидаги қўлланилишига доир йўриқномани банкаларнинг сонига мувофиқ ўрамга жойланади.
Ёхуд банкага қоғоз ёки плёнкадан тайёрланган мураккаб этикеткани ёпиштирилади, фақат унинг бир қисмини, уни кўтаришга имкон берувчи махсус ёпишқоқ лента билан мустаҳкамланади. Қўлланилишига доир йўриқномани мураккаб этикетканинг ҳаракатланувчи қисмининг остига жойланади ёки мураккаб этикетканинг ички қисмига қўйилади.
Ёхуд банкага қоғоз ёки плёнкадан тайёрланган мураккаб этикеткани ёпиштирилади, фақат унинг бир қисмини, уни кўтаришга имкон берувчи махсус ёпишқоқ лента билан мустаҳкамланади. Рус тилидаги қўлланилишига доир йўриқномани мураккаб этикетканинг ҳаракатланувчи қисмининг остига жойланади ёки мураккаб этикетканинг ички қисмига қўйилади. Банкаларни 3 тадан 20 донагача термо жойлаштирувчи плёнкага ўрамланади, давлат тилидаги қўлланилишига доир йўриқномани банкаларнинг сонига мувофиқ ўрамга жойланади.

Сақлаш шароити
30°С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.
Ўрами очилганидан сўнг зич ёпиладиган идишда сақлансин.
Суспензияни сақлаш муддати 48 соатдан кўп эмас.
Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати
5 йил.
Яроқлилик муддати ўтганидан кейин ишлатилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби
Шифокор рецептисиз.

Ишлаб чиқарувчи жой манзили:
“Полисорб” АЖ,
Россия, 456652, Челябинск вилояти, Копейск шаҳри, Томская кўчаси, 14 уй
Тел.:8-800-100-19-89,
Тел./факс: (351) 778-51-26

Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили
“PharmRegister” ХК, Ўзбекистон Республикаси,
100041, Тошкент ш., Мойлисой кўч. 71 уй.
Тел.: +7(495)799-21-86,
e-mail: uzbekistan@drugsafety.ru, adversereaction@ drugsafety.ru